1-7 896

ФАРЗАНДИНГМАН, ИҚБОЛИНГДАН БОШИМ ОСМОНДА, ВАТАН, СЕНДАН ЎЗГА ЖАННАТ ЙЎҚДИР МЕНГА ЖАҲОНДА, ВАТАН!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

31 июль, чоршанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 153 (1406)

АРАБ ОЛИМИНИНГ ЭЪТИРОФИ



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби Саудия Арабистони Подшоҳлиги ташқи ишлар ва Ахборот вазирликлари ҳамда Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги элчихонаси ҳамкорлигида араб тилига ўгирилиб, Байрутда нашр этилган эди. Мазкур китоб араб оламининг давлат ва жамоат арбоблари, олимлари ҳамда китобхонлари орасида катта қизиқиш уйғотди.

Қуйида Саудия Арабистонидаги подшоҳ Сауд номидаги университетнинг сиёсий фанлар факультети мударриси, сиёсий фанлар номзоди, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис доктор Солиҳ Муҳаммад Ҳатлоннинг Подшоҳликда тарқатиладиган «Ал-Жазира» газетасида (1996 йил, № 8645) Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби ҳақида эълон қилинган мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг араб тилида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китоби Ўзбекистонда 1991 йилдан буён юз бераётган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилади. Ишонч ва қўтаринкилик руҳи билан суғорилган ҳамда таҳлилий изланишлар ва ғояларга тўла бу асарда Президент И. Каримовнинг анъанавий президентлик доирасидан том маънодаги раҳбар ва янги давлат асосчиси даражасига кўтарилганини кузатиш мумкин.

Мазкур китобга нашриёт номидан ёзилган сўзбошида Ислом Каримов янги мустақил давлатлар олдидаги катта вазифалар ҳақидаги қатор асарлар муаллифи эканлиги таъкидланган.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм ўн бобдан ташкил топган. Бу қисмда иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари ҳақида сўз юритилган. Беш бобдан иборат иккинчи қисмида эса ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари кўрсатиб берилган. Жами ўн беш бобли бу асарда ислоҳотнинг барча қирралари, иқтисод, молия, маданият, маориф ва ташқи сиёсат масалалари ўз акси топган. Шубҳасиз, китоб Ўзбекистон билан танишишни истаган ишбилармонлар учун муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди.

Ислом Каримов ислоҳотларнинг пировард мақсади — кучли демократик-ҳуқуқий давлат тузиш ва бозор иқтисодига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган замонавий барқарор жамият барпо этиш эканлигини таъкидлайди. Иқтисодий ислоҳотлар стратегияси бозор иқтисодий муносабатларига босқичма-босқич ўтишни назарда тутади. Кўп укладли иқтисод асосларини шакллантириш, фуқароларда мулкчилик ҳиссини қайта тиклаш, уларга ва янги барпо бўлган тузилмаларга иқтисодий эркинликни таъминлаш ҳамда жамиятда янги иқтисодий онгни вужудга келтириш асосий масалалар сифатида зикр қилинган.

Китобда иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш ва унинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш, бу мураккаб ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчилик мавқеини мустаҳкамлаш, ислоҳотларнинг қонуний асосини яратиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда, одамларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини амалга ошириш ва ниҳоят янги иқтисодий муносабатларга ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш иқтисодий ислоҳотларнинг ўтиш давридаги асосий тамойиллари эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

(Давоми 2-бетда).

МУҲИМИ – СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАСЛИК КЕРАК

30 июль куни Бекободда қора ва рангли металлар парчалари, чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш масалаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, республика комиссиясининг раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар ва идораларнинг, иккиламчи хомашёни тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этди. 1996 йилнинг биринчи ярмида металл парчаларини тайёрлаш ишлари якунлари кўриб чиқилди. Шу даврда қайта ишлашга 303,5 минг тонна қора металл парчалари топшириш мўлжалланган эди. Кўрилган чоралар, давлат аҳамиятига молик бу муҳим вазифанинг бажарилиши устидан назоратнинг кучайтирилиши натижасида металлургия саноати учун 329 минг тонна қимматли хомашё тайёрланди. Бундан ташқари, рангли металлар парчаларини тайёрлаш дастури ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Шундай қилиб, «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг барқарор ишлаши, республика эҳтиёжлари учун илгари мамлакатимизга четдан келтирилган металл буюмларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун шароит яратилди.

Мажлисда эндиликда металл парчалари тайёрлашда эришилган суръатни сусайтирмаслик муҳимлиги таъкидланди. Иккиламчи хомашё бир маромда топширилишини таъминлаш, металл парчаларини фаоллик билан тайёрловчиларни моддий рағбатлантиришни йўлга қўйиш вазифа қилиб қўйилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

ДЕПУТАТЛАР ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 26 июль куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини 29 август куни Тошкент шаҳрида чақиришга қарор қилинди. Шу муносабат билан Кенгаш мажлисида сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича 25 нафар Олий Мажлис депутатидан иборат таркибда депутатлар ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

30 июль куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари, гуруҳ раҳбари А. Қосимов олиб борди.

Олтинчи сессияга тайёргарлик кўриш, сессия муҳокамасига киритилиши режалаштирилган масалаларга доир ҳужжатларнинг тайёргарлик даражаси ва амалга оширилиши мўлжалланган тадбирлар хусусида атрофлича тўхтаб ўтилди.

Сессия кун тартибига киритилган масалаларга доир ҳужжатлар парламент қўмиталарида синчковлик ва талабчанлик билан ишлаб чиқилиб, уларнинг лойиҳалари депутатларга ўз вақтида етказилиши таъминланди. Бугунгача сессия кун тартибидаги масалаларга доир материалларнинг асосий қисми билан жойлардаги Олий Мажлис депутатлари таъминлаб қўйилди.

Шунга қарамай ишчи гуруҳи аъзолари ушбу сессияни ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Республика мустақиллигининг беш йиллик тантаналари арафасида ўтказилажак сессия ўз мазмун-моҳияти, кўрилган масалалар салмоғи ва уюшқоқлиги билан тарихий бўлиб қолмоғи зарур. Шу сабабли ҳам унга алоҳида масъулият билан тайёргарлик кўриш, ҳар бир иш участкасига масъул бўлган депутатларни тайинлаш ва тайёргарлик ишларини зудлик билан бошлаб юбориш зарурлиги бир овоздан таъкидланди.

Ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари, Олий Мажлис Котибиятининг бошлиғи О. Олимжонов шуларни эътиборга олган ҳолда ишчи гуруҳи таркибида тузилган учта кичик гуруҳ зиммасидаги вазифаларни аниқ тақсимлаш ҳамда Котибиятнинг масъул ходимларини ишчи гуруҳларига бириктириш зарурлигини қайд этди.

Шундан сўнг сессия кун тартибига киритилган ва Олий Мажлис муҳокамасига киритилиши кутилаётган бошқа ҳужжатларни депутатларга ўз вақтида етказиб бериш ҳамда Олий Мажлис ишини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари билан шуғулланувчи кичик гуруҳ депутат Э. Воҳидов раҳбарлигида, сессия котибиятининг таркибига доир таклифлар ва унинг ишини ташкил этиш билан боғлиқ материалларни тайёрлаш, сессия залида барча техник хизматлар бир маромда ишлашини уюштириш билан шуғулланувчи кичик гуруҳ депутат А. Йўлдошев раҳбарлигида, парламент мажлиси арафасида ҳамда бутун сессия давомида депутатлар фаол ишлашлари учун шарт-шароит яратишнинг ташкилий жиҳатлари билан шуғулланувчи кичик гуруҳ депутат Б. Наимов раҳбарлигида ишларни бошлаб юбордилар.

ИККИ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ

Ҳозир терроризмга қарши кураш дунё сиёсатчиларининг диққат марказида турибди. Франция Президенти Жак Ширак телефон орқали АҚШ Президенти Билл Клинтон билан суҳбатлашиб, террористларга қарши кураш учун ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

Олимпия маркази Атлантадаги портлаш, «Транс Уорлд Эйрлайнз» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-747» самолётининг ҳавода портлагани ва бошқа кўпгина қўпорувчилик ҳаракатлари икки мамлакат Президентларини анчагина ташвишга солиб қўйди.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ АҲВОЛ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Фаластин автономияси раҳбари Ёсир Арофат расмий ташриф билан Саудия Арабистонига келди.

У қирол Абул Фаҳд билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини, хусусан Исроил ташқи сиёсатидаги ўзгаришдан сўнг вужудга келган аҳволни муҳокама қилди. Кўпгина оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, музокараларда Қуддус муаммоси ва Фаластин автономиясининг иқтисодий аҳволи ҳам кўриб чиқилган. Расмий маълумотларга кўра, Саудия Арабистони шу кунгача Фаластин автономиясига 400 миллион АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам берган.

МУРАККАБ ВАЗИЯТ

Жакартадан олинган хабарларга кўра мамлакат пойтахтида Индонезия Демократик партияси раҳбари Мегавати Сукарнопутри тарафдорларининг қароргоҳи хавфсизлик хизмати вакиллари ва ушбу партияга қарши кучлар томонидан ишғол қилинганидан сўнг мураккаб сиёсий вазият юзага келган.

Мамлакат биринчи Президенти Сукарнонинг қизи Мегавати Сукарнопутри тарафдорлари ва ҳукумат қуролли кучлари ўртасидаги тўқнашувда икки киши ҳалок бўлди ва юздан ошиқ киши жароҳатланди.

ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ САРИ

1995 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судини сайлаган эди. Бу орган сайлангач, мамлакатимиз ўз Конституциясининг устунлик мавқеи ва тантана қилиши таъминланадиган, қонунларининг устуворлиги қарор топадиган ҳуқуқий давлатга айланиши учун кафолат яратилди.

1991 йилда мустақиллигини эълон қилган ҳамда демократик ислоҳотлар йўлига кирган Ўзбекистон бугунги кунда эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқда, унда барча қонун олдида тенгдир ҳамда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуққа эгадир.

Республикамизнинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси муқаддимасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдан иборат олийжаноб мақсад эълон қилинди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта бу мақсад асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи Конституциямизнинг асосий қоидаларидан биридир. Конституциявий суд сайланганидан кейин янги сиёсий тизимнинг таркибий бўғинларини шакллантириш асосан тугалланди. Ҳокимият тармоқлари тўлақонли ва салоҳиятли бўлиб, бир-бирини тўлдиради, қатъий ҳуқуқий асосда ишлайди, салмоқли қонун ҳужжатлари негизига эга.

Конституциявий суднинг ваколатлари, унинг тузилиши ва фаолият юритиши тартиби Конституцияда, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган.

1996 йил июль ойида суднинг регламент шаклидаги процессуал кодекси қабул қилинди. Конституциявий суд судяларининг одоб-ахлоқ нормалари уларнинг шаъни тўғрисидаги кодексда белгилаб қўйилди. Конституциявий суд ҳузурида илмий-маслаҳатлашув кенгаши тузилиб, унинг таркибига таниқли олимлар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларни киритилди.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан суд раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда беш аъзодан иборат таркибида сайланади. Судьяларнинг ваколат муддати — беш йил. Ҳар бир судья якка тартибда сайланади. Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади. Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассиси бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон фуқароси Конституциявий суднинг судяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суд судьясининг шаъни тўғрисидаги кодекс одоб-ахлоқ қоидаларини белгилаган ҳолда, судья ўзининг бутун фаолияти ва ҳулқи билан мансабдор шахсларда ҳамда фуқароларда Конституцияга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга кўмаклашиши ва қонунга итоат этиш намунасини кўрсатиши зарурлигини назарда тутади. Судья ҳар доим ва ҳар жойда ўзини шундай тутиши керакки, токи жамиятда Конституциявий суднинг одил ва мустақил эканлигига ишонч қарор топсин.

Ўз хизмат бурчини адо этиш судья учун бошқа барча машғулотлардан устун туриши керак. У ўзгалар фикри таъсиридан холи бўлиши, дўст ва танишлар орттиришда эҳтиёткорлик қилиши, унинг обрўсини тўкиши мумкин бўлганлар билан алоқа боғлашдан ўзини тийиши зарур. Судья барча ҳолларда ўзининг ҳар қандай ҳаракатини чуқур ўйлаб қилиши, унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларини аввалдан кўра билиши, ҳаракатлари Конституция ва ахлоқ нормаларига монанд бўлиши, ўз мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланмаслиги керак.

Судья фуқаролар билан муомалада хизмат вазифасини бажариб турганда ҳам, хизматдан ташқари мулоқотларда ҳам умумий қабул қилинган ахлоқ қоидаларига риоя этиши, ўз мавқеига муносиб иш тутиши лозим: у боадаб, сипо муомаласи, сабр-тоқатлилиги, холислиги ва барчага бирдай муносабати, қатъиятлилиги, масаланинг моҳиятини чуқур таҳлил этишга интилиши, бошқача нуқтаи назарни тинглай ва англай олиши, билдирган мулоҳазаларининг вазминлиги билан ажралиб туриши зарур.

Судья ўз касб малакасини ошириб бориш устида мунтазам шуғулланиши, ўз билимини хизмат вазифаларини тегишли равишда бажариш учун зарур бўлган даражада сақлаб туриши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик, мустақиллик, коллегиаллик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги конституциявий суд фаолиятининг асосий принципларидир.

Конституцияга содиқлик Конституциявий суд фаолиятининг асосий принципи сифатида Конституция нормаларида мужассамлашган. Ушбу принцип конституция нормалари бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқади. Бу ҳар қандай ҳуқуқий фаолият Конституцияга мос келиши лозимлигини билдиради. Давлат органи томонидан қабул қилинган ҳар қандай ҳуқуқий норма, унда мавжуд бўлган қоидалар асосий қонунга зид бўлмаган тақдирдагина юридик кучга эга бўлади.

Конституциявий суд ўз вазифаларини бажаришда мустақилдир. Унинг мустақиллиги Конституциявий суд аъзоларини сайлаш ва уларни вазифаларидан озод қилишнинг қонунда белгиланган тартиби, уларнинг дахлсизлиги, суд ваколатига кирадиган ишлар ва масалаларни ҳал этишнинг юридик тартиботи, қарорларни чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши, конституциявий судга ҳурматсизлик ёки унинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик, Конституциявий суднинг фаолияти учун зарур бўлган ташкилий-техник шарт-шароит яратиш, шунингдек судьяларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан таъминлаш орқали рўёбга чиқарилади.

Конституциявий суд ишларни ҳал этиш чоғида фақат Конституцияга, қонунларга ва Конституцияга зид келмайдиган бошқа норматив ҳужжатларга, шунингдек Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

Конституциявий суд

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юқорида зикр этилган тамойиллар мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаётганлиги туфайли Ўзбекистон тажрибасини бошқа собиқ совет республикаларидаги ислоҳотлардан тубдан фарқлаб туради. Ўтиш даврида иқтисодий ва маиший таназзулга учраган халқ унинг сабабларини сиёсий тарафга буришлари мумкинлиги ва бунинг натижасида ушбу республикаларнинг баъзиларида кузатилаётган сиёсий ва ижтимоий беқарорликни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон тажрибаси нечоғлиқ қимматли эканлигини англаб етамиз.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва барқарорликни сақлаш йўлида Ислом Каримов ўтиш даврида ижтимоий кам ҳимояланган табақаларга давлат ёрдамини уюштириш мақсадида иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий дастурини яратди.

Россия иқтисодий ислоҳотлари бошланишининг биринчи йилларида либерал иқтисодий ислоҳотлар сиёсатидан норози халқнинг парламент сайловларда ўз овозини коммунистик ва миллатчи-шовинистик кучлар вакилларига берганлиги ҳукмрон доираларни ислоҳотлар сиёсатини аҳолини ижтимоий таъминлаш дастури томон буришга мажбур қилганини кузатамиз.

Айни пайтда ўзбек раҳбариятининг кескин чораларни назарда тутган, ижтимоий заиф табақаларга ҳеч қандай енгиллик бермайдиган, Шарқий Европада Польша мисолида ва Россияда Егор Гайдар ҳукумати даврида кам таъминланган табақалар аҳволини кескин ёмонлашувига сабаб бўлган иқтисодий ислоҳотнинг «эсанкиратадиган терапия» деб номланувчи усулини инкор этишининг шоҳиди бўламиз.

Ўзбек раҳбарияти танлаган тамойиллардан қўриниб турибдики, ислоҳотларни амалга оширишда «сакрашларсиз» ва тубдан вайрон қилиш йўлидан эмас, балки босқичма-босқич, яъни эволюцион йўлни танлаганлиги ва ҳар бир босқич ислоҳотлар стратегияси сари қўйилган қадам бўлиб хизмат қилаётганлиги таъкидланган. Бу эса ислоҳотлар дастурини ўзида акс эттирган «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» деган халқ мақолига ҳамоҳангдир.

Ислом Каримов ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда фуқароларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, уларни эскича фикрлаш усулидан холи қилиш ислоҳотлар муваффақияти калити эканлигини таъкидлайди. Фуқаронинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига ишонч пайдо қилмасдан туриб, ислоҳ қилиш йўлидан олға бориш, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас деб, ҳисоблайди. Инсонлар тафаккури секин-аста ўзгаришга мойил бўлгани учун ҳам ислоҳотлар тараққиётини узоқ муддатга белгиланган босқичма-босқич тарзда олиб боришни тақозо қилади. Кескин ўзгаришлар салбий натижа бериб, кишиларни эски тарзда фикр юритишга ва эски услублар ортига беркинишга мажбур этади.

Президент Ислом Каримов сўнгги пайтларда соддалаштириб ва бузиб кўрсатилаётган хусусийлаштириш масаласига ўз муносабатини билдириб, бу борадаги Ўзбекистон тажрибасини изоҳлаб, унга алоҳида кенг маъно беради: хусусийлаштириш иқтисодий идора этиш маҳоратини талаб этувчи мураккаб ижтимоий-сиёсий жараён.

Хусусийлаштиришга ишлаб чиқаришни ўстириш, давлат тасарруфидаги муассаса ва ташкилотлар фаолиятини юксалтириш нуқтаи-назаридангина қараш хато бўлиб, бу жараён билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий оқибатлар ҳам назарда тутилиши лозим. Бу муҳим масалада фақат иқтисодий ва техникавий самаралар ҳақидагина қайғурилса, баъзи давлатлар мисолида кўрганимиздек, ижтимоий барқарорликни ларзага солувчи оғир сиёсий оқибатлар ва жамиятда ижтимоий бўлиниш юз бериши мумкин.

Хорижий сармояларни жалб этиш ҳақида Ислом Каримов, бу янги иқтисодий тизимни барпо этишдаги ягона хорижий омил бўлмаса ҳам, чуқур таркибий ўзгаришлар манбаларидан бири деб таъкидлайди. Шунинг учун Ўзбекистон ҳукумати хорижий сармоядорлар учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларни яратиб берди. Улар учун имтиёзли солиқ тизими жорий этилган. Даромад солиғини 50% гача кам тўлаш ва қўшма корхоналар ташкил этиш жараёнининг соддалаштирилиши, ер майдонларидан узоқ муддатга ижарага берилиши ва қонунлар ўзгаришига қарши кафолатлар мавжудлиги аҳамиятга моликдир.

Китобда республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар орасида тинчлик ва осойишталик ҳамда миллатлараро тотувлик ислоҳотлар биринчи босқичининг энг катта ютуғи деб таъкидланган. Бу ғоятда муҳим масала. Бу ҳақиқат Марказий Осиё минтақаси келажагига ишончсизлик руҳида қараб, у ердаги баъзи камчиликларга асосий эътиборларини қаратаётган ғайрим кузатувчилар назаридан четда қолаётганга ўхшайди.

Ислоҳотлар иккинчи босқичининг асосий вазифалари китобда кўрсатилишича, давлат мулкини хусусийлаштиришни давом эттириш, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш, молиявий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тизимини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва рақобатга бардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборат деб белгиланган.

Дарҳақиқат, Президент Ислом Каримовнинг китоби иқтисодий ислоҳотлар ҳақида кучли янги фикрлар билан бой бўлиб, бир неча давлатларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар амалиётида қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Китоб Ўзбекистонда истиқлолдан кейинги давр мобайнида юз берган барча ўзгаришларни қамраб олган.

Китобнинг ҳамма бандлари ҳақида батафсил тўхталиш имконияти бўлмаганлиги сабабли, ўз сатрларимни Президент Ислом Каримовнинг мамлакатда аёллар роли ва ўрни ҳақидаги жумласи билан якунламоқчиман: «Биз хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги аҳволини ўзгартирмоғимиз зарур. Аёлларимизга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак.»

Шубҳасиз, бу бебаҳо китоб Марказий Осиё халқлари ҳақидаги билимларимизни янада чуқурлаштириб, араб оламининг мазкур минтақа давлатлари билан алоқаларини тобора кенгайтиришга хизмат қилади.

«ЖАҲОН» ахборот агентлиги.

ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ваколатига кирадиган ишлар ва масалаларни ҳал этиш коллегиал амалга оширилади. Конституциявий суднинг мажлислари, қоида тарзида, очиқ ўтказилади.

Конституциявий судда масалаларни кўриб чиқиш тарафларнинг хизматдаги мавқеи, бўйсуниши ҳамда турган жойидан қатъи назар тенглик асосида амалга оширилади.

Конституциявий судга сайланган шахслар алмаштирилмайдилар ва дахлсиздирлар. Конституциявий суд судьялари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришга ҳақли эмас. Улар депутат бўлишлари мумкин эмас, шунингдек, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг аъзолари бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг қарорларида судьяларнинг сиёсий мойилликлардан холи ҳуқуқий нуқтаи назари акс этмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди доимий ишлаб турувчи орган ҳисобланади.

Ишлар мажлисда суд тамонидан конституциявий судлов қоидаларига асосан кўриб чиқилади. Тарафлар, тарафларнинг вакиллари, гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд ҳокимияти органи сифатида Конституциявий суднинг энг муҳим ваколатлари нималардан иборат?

Биринчидан, у қонунларнинг ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга қанчалик мослигини кўриб чиқишга ҳақли.

Иккинчидан, у Ўзбекистоннинг давлатлараро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ҳақлидир.

Учинчидан, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради.

Конституциявий суд ўз ташаббуси билан ҳар қандай давлат органи, жамоат бирлашмаси норматив ҳужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Конституциявий суднинг регламентида норматив ҳужжатларнинг конституциявийлиги принципи назарда тутилган. Масалаларни кўриб чиқишда суд Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари, республикамиз Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шуниндек, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари норматив ҳужжатларининг Конституциявийлиги президиумциясига асосланади.

Конституциявий суднинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича фаолияти Конституция нормаларига шарҳ бериш билан узвий боғлиқдир. Конституция нормаларига шарҳлар бериш йўли билан конституциявий нормаларнинг маъно ва мазмунини тушунишда якдиллик ва барқарорликка эришилади. Чунки улар ҳуқуқий давлатнинг асосини ташкил этади ва бевосита қўлланилмоғи лозим.

Конституциявий суд ўзи кўриб чиқиши учун қонунда белгиланган шахсларнинг таклифига биноан масалаларни қабул қилиб олади. Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Суднинг Раиси, Олий хўжалик судининг раиси, республика Бош прокурори Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Алоҳида фуқароларга Конституциявий судга бевосита мурожаат этиш ҳуқуқи берилмаган. Зарурият бўлган тақдирда улар қонунга кўра бундай ҳуқуққа эга бўлган органлар ва шахслар орқали Конституциявий судга мурожаат этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судлов ҳуқуқи қонуний кучга кирган норматив ҳужжатларга нисбатан татбиқ этилади. Суд олдини олиш билан боғлиқ назоратни амалга оширмайди. Бироқ, Конституциявий суд қонунларининг лойиҳаларини ва таклифларини муҳокама қилишда маслаҳатлашув тарзида иштирок этиши мумкин.

Конституцияга хилоф деб топилган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар эълон қилинган пайтидан бошлаб юридик кучга эга бўлмаган деб ҳисобланади. Конституциявий суднинг тўхтами қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин бўлмайди. Қонунга мувофиқ, Конституциявий суд, агар тўхтам қабул қилинган пайтда номаълум бўлган янги муҳим ҳолатлар очилса ёки тўхтам қабул қилинишига асос бўлган конституциявий норма ўзгарган бўлса, ўз ташаббуси билан ўз тўхтамини қайтадан кўриб чиқиши мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди амалий фаолиятини бошлади. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг, шунингдек, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимлар ҳужжатларининг, вазирликлар ва идораларнинг норматив хусусиятга эга бўлган буйруқлари ҳамда фармойишларининг конституциявийлигини текшириш юзасидан таҳлилий иш олиб борилмоқда. Конституциявий суд судьялари ҳуқуқий фикрлашув тариқасида фуқаролик кодексининг иккинчи қисми лойиҳасини, шунингдек, сиёсий партиялар, адвокатура, нотариат тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини олдиндан кўриб чиқдилар.

Конституциявий суднинг самарали фаолият олиб боришини Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий шарти деб ҳисоблаймиз.

Б. ЭШОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси.

НОМЛАШ – ТАРИХИЙ МАСЪУЛИЯТ

Истиқлолнинг беш йиллиги арафасида ана шу муқаддас тушунчанинг ҳаётимизга кириб келиши, онгимизда, шууримизда мустаҳкамланиши билан боғлиқ тафсилотлар қайта жонланади.

Тўғриси, ўшанда мустақилликнинг бутун бўйбастини тўла тасаввур қилиш қийин бўлган эди. Кимдир уни «қайта қуриш»га ўхшаган навбатдаги кампания тарзида, кимдир қулоқчинини асабий ғижимлаб, қўлини олдинга чўзган зотнинг «барҳаёт» ғоялари яшаб қолаверади, дея тушунган. Ахир, неча ўн йиллар давомида шаклланган фикрлаш тарзини бирданига ўзгартириш мумкин эмас эдида! Фақат юртбошимиз ўтказган изчил ва барқарор сиёсат туфайли онгдаги бу темир «қўрғонлар»ни парчалаш имкони туғилди.

Ёдимда, пойтахтдаги энг катта тантаналар ўтказиладиган майдоннинг номи ўзгартирилди. Мана шу «тарихий» воқеа туфайли дунёқарашимизда яшин чақнаб, момақалдироқ гумбурлагандек бўлганди. Ўшанда илк марта юртимизда мислсиз ўзгаришлар даври бошланганини ҳис этганмиз. Номи ўзгарган майдонга дастлабки қадам қўйганимда, юракка яқин меҳрни туйганман, худди ҳавода муаллақ учиб юрган одамнинг оёғи ерга текканидек бўлганман.

Бу мулоҳазаларнинг мавзуга дахлдорлиги шундаки, жойларга ном бериш чинакам тарихий масъулият, авлод-аждодлар олдидаги жиддий имтиҳон. «Бир нуқта билан кўзни кўр қилиш» мумкин бўлганидек, озгина масъулиятсизлик ёки кўнгилчанлик туфайли одамларда нотўғри тасаввур уйғотиш ёки бир марҳумнинг руҳини безовта қилиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Худди шу нуқтаи назардан бугун кечаётган ўзгаришларга назар солайлик. Маълумки, айнан шу масала (бунданда муҳимроқ ташвишлар билан бир қаторда) юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида турибди. Учрашувларда, йиғилишларда бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмаслиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Жой номлари билан боғлиқ чалкашликларни бартараф этиш мақсадида шу йил 31 майда «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғриси»да Вазирлар Маҳкамаси алоҳида қарор қабул қилди. Топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш комиссияси тузилиб, ишнинг бориши кузатиб борилмоқда. Мазкур комиссиянинг яқинда бўлган йиғилишида ҳам жиддий мулоҳазалар билдирилди.

Эътирозларнинг асосий қисми жойларни қайта номлашда тарихий анъаналардан, миллий ва маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб иш тутилмаётганлигига қаратилди. Айниқса, объектларга шахс номларини беришда аксарият ҳолларда жиддий ўйлаб иш тутилмаяпти.

Аввало, буюк аждодларимизнинг муборак номларини суиистеъмол қилиб, уларни ҳаддан ташқари бачаналаштириш кўпчиликнинг ғашига тегмоқда. 2-3 йил олдин республикамиздаги Амир Темур ва темурийлар номи билан аталадиган хўжаликларни аниқлашга тўғри келиб қолди. Ўшанда уларнинг сони 150 га яқинлашиб қолган эди. Ёки ҳозир ҳар бир вилоят, туманда ўнлаб ,мактаблар, билим юртлари, кўчалар, маҳаллалар, ҳатто магазинлар Навоий, Нодира, Огаҳий, Беруний, Фурқат ва бошқа улуғларимиз номида юритилмоқда. Албатта, бу борада қатъий меъёрга амал қилиш шарт. Олайлик, Нодира ёки Огаҳий туғилган жойда биронта мактаб уларнинг номи билан аталса, бу эътироз туғдирмаслиги мумкин. Алишер Навоий номи билан аталадиган жой Шаҳрисабз ёки Самарқандда учраса, ажабланмайдилар, чунки улуғ шоир бу шаҳарларда бўлган, бироқ кўримсиз бир дўконнинг тепасига дунё миқёсида шуҳрат таратган аждодимиз номини кўриб қолсангиз ҳижолат бўласиз-да.

Кишилар номи билан аташдаги иккинчи ноҳуш ҳолат эса хўжаликлар, мактаблар, маҳалла-кўчаларга ҳар хил шахслар номини тиқиштиришдир. Аввало, шуни эслатиш керакки, озод юртимиз барча жабҳада жаҳон андозаларига амал қилиб бормоқда. Ана шундай кўз билан қарайдиган бўлсак, бундай ҳолат — киши номларини хўжалигу кўчага қўйиш дунё тажрибасида учрамас экан. Буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари чексиз имкониятга эга эдилар, бироқ тарих китобларида ул зоти шарифнинг исмлари билан аталувчи бирон манзил тилга олинмайди. Бобокалонимиз бу борада бутунлай бошқача йўл тутганлар: Самарқанд атрофидаги қишлоқларга дунёнинг йирик шаҳарлари номини бердилар, пойтахтдаги 12 боғнинг номидан ўша жойларнинг таровати, гўзаллиги уфуриб турибди. XIX аср сўнггида юртимизни ғорат қилганлар маҳаллий халқнинг юрагига даҳшат солиб туриш мақсадида жойларни ўз номлари билан атадилар. Бу мутеълик ва тутқунда сақлашнинг бир йўли эди. Хўш, бугунги кунда нега шуларга тақлид қилиш керак? Исломий одатлар бўйича тамаъ илинжида қилинган хизматнинг савоби бўлмайди, қолаверса, ҳеч ким номига мактаб ёки кўча қўйилишини истаб, ҳиммат камарини белга боғламайди. Абадийлаштиришнинг бундай усули эса шуҳратпарастликка ўхшаб кетади.

Кейинги йилларда кўплаб жойлар номи янгиланди. Мактабларга биринчи директорлар, хўжаликка раислар номи берилди. Бундай усулнинг бир ёқлама эканлиги юқоридаги мулоҳазаларимиздан билиниб қолди. Иккинчидан эса шундай қонуний савол туғилади: нега хўжалик нуқул раисларнинг номи билан аталиши керак? Ахир оғир ташвишларни тиззасигача лой кечган сувчи ҳам, чамбаракни ушлаб жон берган тракторчи ҳам, йил бўйи молхонадан чиқмаган чўпон ҳам бирга тортган-ку! Қолаверса, камсуқум, бор-йўқлигини кўпчилик билавермайдиган оддий колхозчи ҳаммадан фидойи бўлгандир. Шундай бўлгач, хўжаликни нега уларнинг номи билан аташ мумкин эмас? Биз республика жамоатчилиги яхши танийдиган, ҳар жиҳатдан баркамол бўлган раислар шуҳратига соя ташламоқчи эмасмиз, бироқ бу усулнинг «ким ўзар»га бўлиб кетгани тўғри муносабат эмас. Ёки мактабларнинг биринчи ўқитувчи ёки директор номи билан аталишида ҳам эътирозли томонлар бор. Тўғри, қўлига жинчироқ тутиб, чекка қишлоқларга маърифат нурини олиб борган зотларнинг хизматини унутиш мумкин эмас, лекин бир мактабда хизмати бир-биридан қолишмайдиган бир нечта муаллим фаолият кўрсатган, уларнинг қай бири «абадиятга дахлдор»? Бундан ташқари ўша пайтлардаги ўқитиш усуллари жуда жўн бўлган, муаллимларнинг кўпи олий таҳсил кўрмаган. Энди эса компьютерлашган замонавий билим ўчоқларини кечаги кун хотираси гирдобига тортиш эриш туюлмасмикан? Мабодо, шу мактабда иш бошлаб ёки ўқиб, профессор ёки академик, қаҳрамон ёки лауреат даражасига кўтарилиш бошқа, иккинчи ҳамкасби хотирасини чеклаб «қўли узун»лар ёрдамида ном олиш бошқа-да. Хуллас, республика комиссияси бу борадаги чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида мактаб ва билим юртларини рақамлар билан белгилашга тавсия берди. Бу амалиёт Самарқанд ва Бухоро вилоятларида анчадан буён қўлланилаяпти.

Бу мулоҳазалар билан алоҳида шахсларнинг иқтисодиётни юксалтириш, илм-маърифатни ривожлантириш борасидаги хизматларини эътироф этишга қарши эмасмиз. Аввало, ҳар кимнинг ҳурмати юрагида бўлгани яхши, қолаверса, машҳур кишилар ҳаётини ташвиқ қилишнинг ижобий томонлари ҳам бор. Бир умр кўча чангитиб, умри қамоқхоналарда ўтган зот билан жонини жабборга бериб, эл-юрт манфаати йўлида тер тўкканлар тенг кўрилмаслик керак. Фидойилар маънавий эъзозланишга лойиқ. Бунинг синалган йўллари эса мактаб ёки корхоналарда музейлар ташкил қилиш, саналарни нишонлаб бориш, хотираси учун турли тадбирлар ўтказиш ва бошқалардир. Шунингдек, жойлар киши номлари билан аталмасин, деган фикрдан ҳам йироқмиз. Фақат бу ишни тартибга солиб турадиган мезонлар ва меъёрий ҳужжатлар керак. Муддао — адолат талаблари бузилмаслигига хизмат қилиш, нолойиқ кишиларга қаллоб йўллар билан «буюк»лик унвонини тақиб, маънавиятга зарар етказишнинг олдини олишдир.

Жойларни номлашда бизнинг азалий тарихий анъаналаримиз мавжуд. Бунда, масалан, эсда қоладиган воқеалар (Куйганёр, Қўйқирилди каби), ер юзасининг ҳолати (Тошлоқ, Қўшжилга), атроф-теваракдаги белгилар (Учтепа, Қўшчинор, Қиргули), афсона ва ривоятлар, тарихийлик (Далварзинтепа, Гулдурсун, Қирққиз) сингари асосларга таянилган. Демоқчимизки, тилимизнинг бой ички имкониятлари ҳар қандай объектга муносиб ном топиб қўйилишини таъминлайди. Ёки ҳозир долғали дарвимиздаги ўзгаришларни ифодаловчи тушунча номлари ҳам жойларга ярашиб тушиши табиий. Қолаверса, жой номларининг талаффузга ўнғайлиги, жарангдорлиги, қисқалиги ҳам асосий талаблардан. Булар айни пайтда жойларда фаолият кўрсатаётган масъул кишилар эътиборида бўлиши шартлиги қайта-қайта таъкидланди. Ҳозир биринчи галдаги вазифа эса тоталитар тузум қиёфасини эслатиб турувчи ҳар қандай ғайритабиий атамадан тезроқ қутилиш бўлмоғи лозим, токи ўсиб келаётган ёш наслимиз руҳиятимизга ёт бўлган қандайдир атамани тушунмай, унинг олдида бармоғини тишлаб турмасин ва бугун қилиниши керак бўлган ишлар учун бизларни лаънатламасин. Истиқлол шуури қалбимизга, жисмимизга қуёш нурларидек мунаввар ва нурафшон ҳолда кириб борсин, қора қўланкалар соя ташламасин.

Ҳаким САТТОРИЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ АСОСИДА

«Асакатекстиль» ҳиссадорлик жамиятида хориждан келтирилган 36 та янги тўқув дастгоҳи ишга туширилди. Шу туфайли ҳозирдаёқ ҳар ойда 50-55 минг квадрат метр энли сурп ишлаб чиқарилмоқда. Республика енгил саноат уюшмаси йигирув-тўқув фабрикаларини қайта жиҳозлаш дастурига мувофиқ узоқ муддатли кредит ажратгани айни муддао бўлди. Эндиликда корхонани тўла қайта жиҳозлаш имконияти яратилди. Натижада маҳсулот тайёрлаш янада кўпайиб, унинг бир қисми жаҳон бозорига чиқарилади.

(ЎзА)



Челак туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги пахта етиштириш бўйича доимо илғорлар сафида.

Хўжалик деҳқонлари бу йил 417 гектар майдонда «С-9047» навли ғўза ўстиришмоқда. Улар йил якунида давлатга 1063 тонна «оқ олтин» сотишни мақсад қилишган.

СУРАТДА: механизатор Нуримбой Муродов.

Т. Норқулов (ЎзА) тасвирга олган.

20 МИЛЛИОНЛИК БУЮРТМА ЧЕТГА КЕТМАЙДИ

«Қорақалпоқмебель» ҳиссадорлик жамияти ўз фаолиятини, энг аввало, республиканинг ички истеъмол бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиб, Қорақалпоғистондаги йирик ташкилотларнинг буюртмалари асосида иш юритишга ҳаракат қилмоқда. Ҳиссадорлик жамиятининг бош корхонаси ёнида янгидан ташкил қилинган мактаб инвентарларини ишлаб чиқиш ва созлаш ҳамда бутлаш цехи айни ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Бу ерда таълим-тарбия масканлари учун стол, стул, парта, синф тахталари, кийим қистиргичлар ва мактаб лабораториялари учун турфа хил жиҳозлар ишлаб чиқарилади.

Янги ўқув йилига қадар цехда 6 минг дона янги парта ишлаб чиқарилиб, 2,5 мингдан зиёд парталар таъмирланади. Шуниси аҳамиятлики, бу жиҳозларнинг ҳар бири уларнинг буюртмачилари учун республика ташқарисидан ташиб келтириладиган айнан шу хилдаги жиҳозларга нисбатан 2-3 баробар арзонга тушади.

Жорий йилда цех бўйича 20 миллион сўмлик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлаш хизматларини кўрсатиш мўлжалланмоқда.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ҲИММАТ

Ғиждувон туманидаги Халқ банки бўлими залидан репортаж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг банк муассасаларидаги омонатларини индексация қилиш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Қарорига асосан Ғиждувон туман Халқ банкида ҳам 289 миллион 987 минг сўмлик индексация ишлари амалга оширилди.

Маълумки, 1 июлдан бошлаб индексация қилинган пулларнинг 10 фоиз миқдори омонатчиларга тўланиши керак эди. Хўш, бу борада туманда қандай ишлар амалга оширилаяпти? Биз Ғиждувон тумани Халқ банкида бўлганимизда индексация қилинган пулларни олиш учун навбат кутиб турган кишиларга кўзимиз тушди. Улар тартиб билан бир-бир кассага кириб чиқишмоқда эди.

— Мен Саттор Жабборов номли жамоа хўжалигиданман, — дейди Ҳомид Эгамов. — Эрта-индин ўғлим харбий хизматдан қайтади. Олган пулим уни кутиб олишга ва келган-кетганни кузатишга ярайдиган бўлди. Ҳозирча 2021 сўм олдим. Кейинги йили яна беришар экан.

— Чироғим, биз яшайдиган жой туман марказидан 120 км. олисда жойлашган, — дея суҳбатимизга қўшилди Қўйчи фермасининг чўпони Фароғат Урганчбоев. — Шунча узоқдан келиб ишларим битмай оворааю-сарсон бўлиб қайтиб кетсам керак-да, деган ўй-ташвишда эдим. Барака топқур, банк ходимлари дарҳол ҳожатимни чиқариша қолди. Қўлимга 3142 сўм беришди. Энди бу пулга уйга бозор-ўчар қилиб қайтаман. Неваларимни хўп суюнтирадиган бўлдим-да.

Навбатда турганларнинг юзкўзидан мамнунликни англаб олиш мумкин. Ҳаммалари халқини ўйлаган ҳукумат кам бўлмайди, дейишди.

Туман Халқ банки бошқарувчиси Улуғбек Жаҳонқуловдан ишларингиз қалай, деб сўрадик.

— Ҳозирга қадар аҳолига, яъни 1266 омонатчига жами 2 миллион 326.500 сўмлик индексация пуллари тарқатдик. Биринчи галда уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига беминнат хизмат кўрсатилмоқда. Айни чоғда ишимиз қизғин. Банкимиз ўз номи билан халқ банки бўлиб, элимизга хизмат қилмоқда.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 30 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 56.26 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 38,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 31 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	29,96
1 Австрия шиллинги	3,64
1 Англия фунт стерлинги	59,22
10 Бельгия франки	12,44
1 Голландия гульдени	22,84
10 Греция драхми	1,61
1 Дания кронаси	6,64
1 БАА дирхами	10,35
1 АҚШ доллари	38,00
1 Миср фунти	11,21
1 Ирландия фунти	61,48
1 Исландия кронаси	0,58
10 Испания песети	3,01
100 Италия лираси	2,49
1 Канада доллари	27,68
10 Хитой юани	0,46
1 Кувайт динори	127,09
100 Ливан фунти	2,43
1 Малайзия рингити	15,24
1 Германия маркаси	25,64
1 Норвегия кронаси	5,95
1 Польша злотийси	14,10
10 Португалия эскудоси	2,50
1 Сингапур доллари	26,87
1000 Туркия лираси	0,45
1 Финляндия маркаси	8,43
1 Франция франки	7,56
1 Швеция кронаси	5,78
1 Швейцария франки	31,48
1 ЭКЮ	48,26
10 Жанубий Корея вони	0,47
10 Япония иенаси	3,52
1000 Россия рубли	7,32
1000 Украина карбованеци	0,22
1000 Беларусь рубли	2,83
1 Эстония кронаси	3,20
1 Латвия лати	69,22
1 Литва лити	9,50
1 Қозоғистон тенгеси	0,57
1 Қиргизистон соми	3,11

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ВА ГАЗЕТХОН

УЙ-ЖОЙ МУАММОСИГА ЭЪТИБОР ОШИРИЛСА...

Даврон ЭШОНОВ,
Урганч шаҳри.

1. Мен газетангизни икки йилдан бери ўқийман.

2. Унда босилаётган спорт хабарлари, турли соҳалардаги камчиликларга оид фельетонлар жуда маъқул.

3. Ҳозирча ҳаммаси жойида.

4. Газетанинг ҳар бир сонида тажрибали мутахассислар, раҳбарлар билан суҳбат уюштирилиб, уларга оддий халқни қизиқтирадиган саволлар берилса. Агар суратлари билан босилса, яна ҳам яхши бўлади. Чунки юртимиздаги кўпгина машҳур кишиларининг номларини биламиз-у, лекин ўзларини танимаймиз.

5. Халқ эҳтиёжи билан боғлиқ муаммоларга кўпроқ эътибор берилса. Шулардан бири — аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи.

Мамлакатимизда катта-катта заводлар қурилмоқда. Ана шу корхоналарнинг айримларида велосипед ишлаб чиқарилса. Машинага кучи етмаганлар велосипедда юришарди. Транспортнинг бу тури эса, арзон, соғлиққа ҳам фойда. Ўшанда автобуслар ҳам тирбанд бўлмасди, балки.

6. Газетада катта ҳажмдаги мақолаларнинг берилиши ўқувчини зериктириб қўяди. Шунинг учун улар кичик ҳажмда, лўнда бўлса.

7. Менинг фикримча, газетангизнинг охирги бетини ёки унинг ярмини савол-жавоб учун ажратиш керак. Унда халқни қизиқтирадиган турли хилдаги кундалик саволларга жавоблар берилади.

НЕГА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛИ МАҚОЛАЛАРГА «АКС-САДО» ЧИҚМАЯПТИ?

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳри.

Газета чиқа бошлаган кундан бери унинг мухлисиман.

Унда босилаётган кўпгина мақолалар ўз мавзуси ва мазмуни билан менга жуда ёқади. Масалан, Амир Темур ҳақидаги мақолалар, шунингдек, ўтмиш меросимизга доир «Олтин мерос», «Қадимий Тошкентнинг алломаю замонлари» сингари материаллар маъқул.

Кўпчилик мақолаларнинг услуби, мазмуни ва уларда кўтарилган масалалар маъқул. Аммо газетада чоп этилгандан сўнг, баъзи мақолаларга жавобан «Акс-садо» бўлмаяпти.

Газетангиз орқали Бўрибой Аҳмедов, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов каби машҳур кишилар билан учрашишни истардим.

Одоб-ахлоқ, ичиш ва чекишнинг зарарлари, оиланинг муқаддаслиги ва бозордаги олиб сотарларга қарши кураш, шунингдек, сувнинг ифлосланиши, тўйлардаги исрофгарчиликлар, уларнинг қаддан ташқари дабдаба билан ўтказилиши, ёшларни ишга жалб этиш сингари масалаларга доир мақолалар берилса.

ХАЛҚАРО СПОРТ ЧЕТЛАБ ЎТИЛАЯПТИ

Нарзулло КЎБАЕВ,
Навоий вилояти.

1. 1994 йилдан буён ўқийман. Кўп жиҳатлари билан менга маъқул.

2. Спорт мавзуидаги материалларни қолдирмай ўқиб бораман. Умуман олганда спортга доир кўпроқ мақолалар бериб боришингизни истардим.

3. Халқона, оддий тилда ёзиш керак, деб ўйлайман.

4. Газета орқали Ҳусан Шарипов, Эргаш Каримов ҳамда футбол шарҳловчилари, истеъдодли тўпсурарлар билан учрашсак.

5. Халқаро спорт таҳририят эътиборидан четда қолаяпти.

6. Бу саволни очиқ қолдираман.

7. Албатта, спортга тенг келадигани йўқ. Кейин бутун дунёдаги бугунги аҳвол тўғрисида кўпроқ ёзсангизлар.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ БЕРИБ БОРИЛСА

Комил АБДУРАҲИМОВ,
Самарқанд вилояти.

1. «Халқ сўзи»ни 1991 йилдан бери ўқийман.

2. «Намангандан бошланур Сайхун», «Табаррук заминга таъзим», «Чўлда қад ростлаган «Оқсарой», «Соҳибқирон тахти», «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» ва «Осиё гўзали» сингари кўплаб мақолаларни қизиқиб ўқидим.

3. Уларнинг мазмуни, услуби ва савияси яхши.

4. Дунёдаги машҳур одамлар ҳақида кўпроқ ёзинглар.

5. Фан-техника янгиликлари етарли даражада ёритилмаяпти.

6. Унинг савиясини ошириш учун мақолаларнинг тарихийлиги ва воқелиги, қайси манбааларга асосланганлиги ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

7. Осори-атиқалар, қадим обидаларимиз ва тарихий шахслар тўғрисидаги мақолалар.

ОНА ТИЛИМИЗ ҲАҚИДА КЎПРОҚ ЁЗИШ КЕРАК

Д. БЎРОНБОЕВА,
Тошкент шаҳри.

Газетага шу йили обуна бўлдим. Уни дастлабки сонларидан бошлаб ўқиб келаман. Унда чоп этилаётган бугунги долзарб масалаларга бағишланган мақолалар, янги қабул қилинаётган қарорларга шарҳлар мақсадга мувофиқ. Айниқса, Амир Темур тўғрисидаги мақолалар бизда катта таассурот қолдирмоқда. Илгарилари бу тўғрида матбуотда камдан-кам гапириларди. Мазкур мақолалар орқали эса қанчадан-қанча қизиқ фактлардан, таъсирли воқеалардан хабардор бўлиш мумкин.

Газетангиз саҳифаларида тилшунослар билан ҳам учрашувлар ўтказилса, замонавий ўзбек тилини ўрганиш ҳақида мақолалар берилса, янада яхши бўларди. Янги, эндигина кириб келаётган сўзлар луғати ҳам чоп қилинса. Кўпчилик ибораларни тилчи мутахассислардан ташқари бошқа соҳа вакиллари билмаслиги мумкин. Менимча, русча сўзлар билан атаб келинган нарсалар соф ўзбек тилида қандай аталиши кўпчиликни қизиқтирса керак.

Тошкент шаҳридаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Билим» деб номланган нон ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Унда кунига 7 тоннагача 12 хилдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш имконияти мавжуд.
СУРАТЛАРДА: корхона биноси; савдо дўконида.

А.КАРИМОВ (ЎзА) тасвирга олган.

Во ажабо!

ҲОТАМТОЙЛИК КИМНИНГ ҲИСОБИГА?

Айни пайтда Наманган вилоятида ўндан ортиқ давлат ва нодавлат шаклидаги банклар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу табиий ҳол. Лекин банклар қанчалик кўп бўлмасин, уларнинг фаолияти бир мақсадга, яъни мижозларга намунали хизмат кўрсатиш орқали бозор иқтисодиётини шакллантириш ва вилоятнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожига ҳисса қўшишга қаратилмоғи лозим. Энг муҳими эса улар амалдаги қонун, тартиб-қоида асосида фаолият кўрсатишлари керак. Бироқ сўнгги пайтларда айрим банк мутасаддилари ана шу оддий тартиб-қоидаларни унутиб қўйишмоқда.

Улар мижозларни пухта ўрганмай ва зарур ҳужжатларни расмийлаштирмай, кредитлар бериб юборишмоқда. Табиийки, бундай ортиқча хотамтойликлар қимматга тушаётир.

Ўзбекистон тижорат-саноат қурилиш банкининг «Мададкор» бўлими Наманган шаҳридаги кўп тармоқли «Савоб» хусусий фирмасига амалдаги тартиб-қоидаларни бузиб, 2 миллион сўм қисқа муддатли кредит бериб юборди. Ҳолбуки, банк ўз мижозларига бу пулни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун бериши лозим эди. Бунинг устига хусусий фирма шоввозлари банкдан олинган кредитни тамомила бошқа мақсадлар учун ишлатишгани етмаганидек, «қисқа муддатли» қарзнинг олинганига икки йил бўлаётганига қарамасдан уни қайтариш ҳақида бош қотирмаяптилар. Сабаби бош қотирадиган одамнинг ўзи йўқ. Чунки «Савоб» хусусий фирмаси ўз фаолиятини аллақачон тўхтатган. Ҳозирга келиб ушбу собиқ фирманинг банкдан олган қарзи фоизлари билан қўшиб ҳисобланганда 5 миллион 700 минг сўмдан ошиб кетди. Банк мутасаддилари энди бу қарзни кимдан ундиришни билмай ўтиришибди.

—Банк маъмурияти ўз мижозларига берган кредитларни қайтариш муддати ўтиб кетаётганига қарамай уни ундириш чора-тадбирларини кўрмаяпти. Ҳолбуки улар бериб юборилган миллионлаб кредитлар тақдирига бепарво қарамасликлари, уларни ундириш учун прокуратура органлари ёки хўжалик судига мурожаат қилишлари лозим, — дейди Наманган шаҳар прокурори ўринбосари Иномиддин Камолов. — Бироқ нима учундир банк мутасаддилари сукут сақлашни афзал кўришмоқда. Бунинг сабаблари бор, албатта. Негаки, берилаётган кредитларни расмийлаштиришда банк мутасаддилари ҳам юзакилик ва шошма-шошарликка йўл қўйишган. Шу боис ўзларининг ҳам айблари очилиб қолишларидан чўчиб, оғзига талқон солиб ўтиришибди. Лекин касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади деганларидек, текшириш давомида банк мутасаддилари кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйганликлари аниқланди. Масалан, Х. Баҳодиров деган хусусий тадбиркорнинг бир ўзи бир нечта хусусий фирма ва кооператив ташкил қилган. Шундан иккитаси — «Савоб» ва «Ҳамид» хусусий фирмаларининг ҳисоб рақамларини «Мададкорбанк»нинг шаҳар бўлимида очиб, ҳар иккаласига ҳам кредит олган. Наҳотки, банк мутасаддилари бу сохта тадбиркорнинг кимлиги ва келиб чиқиши билан қизиқмаган бўлса? Маълум бўлишича, Х.Баҳодиров бошқа банкда ҳам ўз ҳисоб-рақамини очиб у ердан ҳам кредит олган. Ҳозир бу сохта «тадбиркор» фаолияти юзасидан тергов давом этмоқда. Хулласи, «Мададкорбанк» мутахассислари Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва амалдаги тартиб, қоидаларга амал қилиб иш юритганларида бундай нуқсонларнинг олди олинган бўларди.

Мижозларга кредит беришда юзакичилик ва тартибсизликларга «Тадбиркор» вилоят акционерлик тижорат банкининг Наманган шаҳар бўлими фаолиятида ҳам йўл қўйилмоқда. Жумладан, банк томонидан «Азизхон» савдо ишлаб чиқариш хусусий фирмасига бир йил муддатга кредит берилган. Унинг ҳужжатлари ўрганилганда фирма раиси М. Мўминов ўзи ва турмуш ўртоғи номида бўлмаган шахсий ҳовлини ўзларича 2 миллион 550 минг сўмга баҳолаб, гаровга қўйган. Банкдаги «азамат»лар ҳам Мўминов ўзи ёзиб олган ҳужжатни (агар уни ҳужжат дейиш тўғри бўлса) гаровга олиб, кредит расмийлаштиришган. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунининг II-модда 2-бандида «кўчмас мулк ва унга бўлган ҳуқуқларини гаровга қўйиш шартномалари, шунингдек, муомаладаги ва қайта ишловдаги молларни гаровга қўйиш нотариал йўл билан албатта тасдиқланиши ҳамда рўйхатдан ўтказилиши шарт», деб кўрсатилган. Бундан ташқари, улар ҳеч қандай юридик кучга эга бўлмаган ҳужжатни гаров сифатида қабул қилиб олганлари етмагандай, Мўминов фирмага ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кредит сўраб мурожаат қилган бўлса-да, банк томонидан кредит савдо-сотиқ ва тижорат ишлари учун расмийлаштирилган. Шунингдек, банк маъмурияти фирма олган кредит қарзини нима мақсадда ишлатганлигини бирор марта ҳам текширмаган ва уни қайтариш муддати ўтиб кетганига қарамай ундириш чорасини кўришни хаёлига ҳам келтиришмаган.

Банк ходимларининг ўз вазифасига нисбатан масъулиятсизлиги ва узоқни эмас, оёғининг тагини ўйлаб иш юритаётганлиги банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўрса бўлади. Ўтган йили шаҳарнинг «Тадбиркорбанк» бўлими томонидан 17 та хусусий фирма ва 4 та нодавлат шаклидаги ташкилотларга ҳаммаси бўлиб 11 миллион сўмдан ортиқ қисқа муддатли кредитлар берилган. Лекин муддати тугаган бўлишига қарамай 9 миллион сўмдан зиёд кредит қарзлар банкка қайтарилмаган.

Энг ачинарлиси, бундай камчилик ва нуқсонлар «Ўзсавдогарбанк» ва Халқ банкининг Наманган шаҳар бўлимлари фаолиятида ҳам рўй бермоқда.

Абдуҳошим МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Давлат статистик ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузишга нисбатан қандай чоралар қўлланилади?

Ё. Юсупов,
Чироқчи тумани.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасига мувофиқ, мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,—

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

* * *

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузганларга ҳам жазо борми?

Ч. Тайпатов,
Олот тумани.

Юқорида номи зикр этилган кодекснинг 220-моддасига биноан, қурол сақлаш ички ишлар органлари рухсати бўлган фуқароларнинг ўқотар қуроллари ва ўқ-дориларини сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиши—

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмигача миқдорда жарима солишга ёки ҳақини тўлаб шу қуроллар ва ўқдориларни олиб қўйишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса —

қуроллар ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш учун масъул бўлган ходимларнинг уларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек бу ходимларнинг ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни бошқа мақсадларда ишлатиши —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

* * *

Паспорт тизими қоидаларини бузиш ҳам жиноят ҳисобланадими?

З.Валиева,
Навоий тумани.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасига кўра, паспорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳуқуқий бўлмаган паспорт билан, пропискасиз ёки рўйхатдан ўтмай яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек паспортни беэътиборлик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортни йўқотиши —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан ёхуд пропискасиз ёки рўйхатдан ўтмасдан яшашига йўл қўйиши, худди шунингдек фуқароларнинг ўз турар жойларида паспортсиз, пропискасиз ёки рўйхатдан ўтмаган шахслар яшаб туришига йўл қўйиши—

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, худди шунингдек пропискасиз ёки рўйхатдан ўтмай яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилиш, шунингдек фуқароларнинг паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки уларнинг паспортларини гаровга олиш—

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

"БИ-ЭЛ-МОТОРС"
қўшма корхонаси
BI-EL-MOTORS
Тошкент шаҳридаги ўз омборхоналаридан қуйидаги маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотади:
- турли хил тиздаги умумсаноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган электродвигателлар;
- шифер;
- асбоцемент қувурлар (Қирғизистон Республикаси маҳсулотлари);
- ТХП 90/49, НВ 50/50 маркали насослар (Россия маҳсулоти).
Қўнғироқ қилинг:
Тошкент ш., тел.: (3712) 48-28-74, 48-29-42, факс: 48-19-40.
Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари ҳудудидаги ҳамкорлар ҳамда мижозлар учун "Би-эл-моторс" ҚКнинг Қарши шаҳридаги ўз расмий вакили - "Стройреммебельбыт" ассоциацияси хизмат кўрсатади.
Қарши шаҳри, тел.: (8-37522) 4-31-90, 4-66-36.
Тошилинг! Бизнинг нархлар энг арзон, маҳсулотлар эса ўта сифатли.

TOWSAN
"ТОУСАН ТРЕЙДИНГ КО" ФИРМАСИ
қуйидаги нақд пулга чакана ва майда улгуржи, шунингдек, металл арматурага айирбошлаш усулида (четга чиқариш учун лицензияси бўлган тақдирда) сотади:
- олий нав ун;
- туз;
- макарон маҳсулотлари;
- "Танчу" шампуни (Япония);
- дезодорант.
Нархлари бозор баҳосидан арзон.
Пахтадан йигирилган ип ва металл арматуралар (четга чиқариш учун лицензияси бўлган тақдирда) сотиб оламиз.
Манзилимиз:
Ўзбекистон, 700100, Тошкент ш., У. Носир кўчаси, 54. Мўлжал - Соцгород.
Тел.: (3712) 41-57-49, 53-63-64, 56-19-87.
Факс: (3712) 53-46-22.

Ўзбекистон Республикасининг 5 йиллигига бағишланган
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН
ЧОРБОҒ БИЗНЕС СЕМИНАРЛАРИ
1996 йил август-сентябрь
Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ қўрғони.
Тел./факс: (3712) 67-69-98. Тел.: (3712) 68-98-76, (274) 45-624, 44-731, 44-739.
Ташкилотчилар: Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, "Бизнес фонд", "Мадад" суғурта Агентлиги, хорижий сармоялар Агентлиги, "Чорбоғ" халқаро таълим маркази.
Семинарлар иштирокчилари: хусусий, ўрта ва кичик корхоналар раҳбарлари ва мутахассислари. Таклифномалар ташкилотчиларнинг туман, шаҳар ва вилоят бўлинмалари тавсиялари билан тақдим этилади.
Семинарлар йўналишлари ва муддатлари:
Бухгалтерия ҳисоботи, солиқлар ва аудит — 1-4 август.
Бизнес-режа, кредит, суғурта ва гаров — 8-11 август.
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш — 15-18 август.
Фермер хўжаликларини ривожлантириш — 22-25 август.
Қурилиш ва қурилиш материаллари — 5-8 сентябрь.
Енгил ва маҳаллий саноат — 12-15 сентябрь.
Хизмат кўрсатиш ва туризм — 19-22 сентябрь.
Компьютерлаштириш ва информатика — 26-29 сентябрь.
Семинарда иқтисодиёт ва бизнес асослари, жаҳон ва республика иқтисоди, турли мамлакатлар ва регионлар билан ҳамкорлик имкониятлари ҳамда ўз соҳангиздаги бозор конъюктураси ва келажаги мавзуларида лекция, суҳбат ва амалий машғулотларда қатнашишингиз мумкин бўлади. Семинар давомида бизнес клуб ва электрон биржада қатнашиш, офис анжомлари, инглиз тили, компьютер ва компьютер почтаси бўйича машғулотлар, медицина кўриги, маданий ҳордиқ, тоғ ва денгиз сайрлари учун ҳам шароитлар яратилади.
Семинар Тошкент вилояти, Бўстонлиқ миллий қўриқхонаси ҳудудидаги Чорбоғ қўрғонида ўтказилади. Йўлланма ҳақи 5940 сўм ва 1010 сўм қ.қ.с. (17%), жами 6950 сўм. Йўлланма ҳақи семинар бошланишидан икки ҳафта олдин "Чорбоғ" халқаро таълим марказига ўтказилади (ҳ/р 002468569 Тадбиркорбанк Ғазалкент ш. МФО 172757505). Автобуслар ҳар бир семинарнинг биринчи куни Тошкент шаҳри, Горький метросидан 8.00 ва 12.00 да жўнайди.

"Таъминот" корпорацияси
Тошкент омборидан пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни сотади:
ДСП - силлиқланган, ўлчами - 183х244.
Ишхона ва уй-жой учун чет элда тайёрланган эшиклар.
Бозордагидан арзон нархларда сотиб олади:
Коржома, чойшаб, ёстиқ жилди, ички кийим, кирза этиклар.
Бизнинг манзил: 700015, Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси, 16-уй.
Телефонлар: 56-44-71, 56-04-25.
Факс: 56-54-59.

Ангрен цемент заводи 1996-1997 йилларда қуйидаги қурилиш ашёларини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузади:
оқ цемент
рангли цемент
кулранг цемент
туйилган оҳактош
туйилган глиеж
майдаланган каолин
Ангрен шаҳридаги тел.: 2-46-36, телетайп 116626 Метан.

«Бизнес консалтинг» фирмаси жамоаси фирма президенти Пўлат Сулаймоновга ўғли
АЛИШЕРнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқлар Дўстлиги саройи жамоаси сарой директори Музаффар Нуриддинович Назаровга отаси
Нуриддин НАЗАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

●СПОРТ●СПОРТ●СПОРТ●СПОРТ●СПОРТ●СПОРТ●СПОРТ●

Atlanta 96

БЕЛЛАШУВЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРДИ

Юқори доирадаги раҳбарлар, сиёсатчилар Олимпиаданинг даражасига баҳо беришда, аввало, унда қанча мамлакат вакиллари қатнашаётганлиги ва делегацияларнинг умумий сонига эътибор беришса, спорт жамоатчилиги мусобақада неча марта жаҳон рекорди ўрнатилганлиги, ўйинлар савияси ва кутилмаган «сенсация»лар салмоғига қараб, фикр билдиришади. Айтиш мумкинки, Антланта Олимпиадаси ҳар икки нуқтаи-назардан ўзини оқлаяпти. Зеро, у Олимпиадалар тарихида энг кўп спорт делегацияларини ўзида жамлади. Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу йилги Олимпиадада биринчи марта эркакларга нисбатан аёл спортчилар кўпчиликни ташкил этди. Башарият тинчлик элчисининг саркорларига айланган аёлларимиз қошида бош эгди, уларга таҳсинлар айтмоқда. Зеро, инсоният тарихида аёллар доим тинчлик тарафдорлари, ташвиқотчилари бўлиб келишган, бугун эса улар Олимпиада ғоясининг бош тарғиботчиларига айланишди.

Атланта Олимпиадасида содир этилаётган рекордлар салмоғи ҳам кун сайин ошиб бораяпти. Ҳар куни икки-уч марта жаҳон ва Олимпиада рекорди янгиланяпти. Жумладан, айни кунда жаҳон оммавий ахборот воситалари штанга кўтариш бўйича Сулаймон ўғли (Туркия) ва Леонидас (Греция) ўртасидаги баҳсда, саноқли дақиқалар ичида уч марта жаҳон рекорди ўрнатилгани ҳақида ёзмоқда. Шундан ҳам билса бўладики, оғир атлетика баҳслари жуда юқори даражада ўтаяпти ва биз вакилларимизнинг натижаларидан хафа бўлмасак ҳам бўлади. Штангачимиз Виктор Янский 14-ўринни эгаллаган бўлса, Бахтиёр Нуриллаев дастлабки оғирликдаги штангани кўтара олмади.

Дастлабки икки кунлик мусобақалардан сўнг Олимпиаданинг энг кучли жамоаси ҳисобланган америкаликларнинг бирорта ҳам «олтин» медаль ололмаганлиги кўпчилик мутахассисларни ҳайратлантирди. Лекин кейинги икки кун мусобақаларидан сўнг ҳаммаси яна ўз ўрнига тушди. Кетма-кет тўққизта «олтин» медални қўлга киритган мезбонлар жамоа ҳисобидаги норасмий биринчиликда пешқадам бўлиб олишди. Улар бу муваффақиятларини 18 июлгача янада мустаҳкамлашди. Зеро, барча Олимпиадалар якуний натижалари бўйича ҳам америкаликлар пешқадам ҳисобланишади. Улар XXVI Олимпиадагача 771 та «олтин» медални қўлга киритишган. Бу борада собиқ Иттифоқ жамоаси иккинчи ўринда — 441 та «олтин». Германияликлар ҳисобида (ГДР+ГФР) 339 та, Буюк Британия вакилларида 169 та, Франция ва Италия жамоаларида эса 146 тадан «олтин» медаль бор.

Шахсий кўрсаткичлар бўйича рекорд ҳам аёллар вакиласи — собиқ Иттифоқ гимнастикачиси Лариса Латининага тегишли. У 9 марта Олимпиада (1956-1964 йиллар) шоҳсупасига кўтарилган, яна 5 марта «кумуш», 4 марта «бронза» медални қўлга киритган. Финляндиялик енгил атлетикачи Пааво Нурми эса 1920-1928 йиллар Олимпиадасида 9 та «олтин», 3 та «кумуш» медалга сазовор бўлган. Кейинги ўринларда америкалик сузувчи Марк Спитц (9 та «олтин», 1 та «кумуш», 1 та «бронза»), япониялик гимнастикачи Савао Като (8-3-1), америкалик спортчилар — Матт Блонди (сузиш — 8-2-1), Карл Льюис (енгил атлетика — 8-1-0), Рэй Юри (енгил атлетика 8-0-0) бормоқда. Уларнинг орасида Матт Блонди, Карль Льюис замондошларимиз, яъни Барселона Олимпиадаси қатнашчиларидир. Льюис Атлантада ҳам майдонга чиқишга тайёрланган эди. Унинг қандай натижага эришаётгани ҳозирча бизга номаълум.

Бизнинг спортчиларимиз қатнашувига келсак, ҳозирча уч нафар боксчимиз жангларни муваффақиятли давом эттиришаяпти. Наримон Отаев 1/8 финалда қирғизистонлик Нурбек Касеновни 7:0, Карим Тўлаганов эфиопиялик рақибини 13:9 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шунингдек, Дилшод Ёрбеков ҳам 1/4 финалга чиқди. Агар боксчиларимиз бу босқичдан ҳам ўтса, унда Олимпиада медалини нақд (камида «бронза») қилиб қўйишади. 75 кг вазн тоифаси бўйича қатнашаётган ҳамюртимиз Дилшод Ёрбековнинг асосий икки рақиби — Олимпиада ва жаҳон чемпионлари Эрнандес (Куба) ва Лебзяк (Россия) 1/4 финалда ўзаро учрашадиган бўлишди. Лекин бу боксчимизнинг мушкули осон бўлди, дегани эмас, чунки чорак финалда Дилшод америкалик боксчига қарши рингга чиқади.

Улуғбек Ибрагимов 1/8 финалда германиялик, Темур Ибрагимов эса хорватиялик рақибига ютқазиб қўйди.

Енгил атлетика баҳсларини вакилларимиз жуда суст бошлашди. Жумладан, молот улоқтириш бўйича вакилимиз Виталий Хожателеев, уч хатлаб сакраш бўйича Евгений Петин, 110 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича Юрий Аристов баҳслардан чиқди.

Мутлақ ғолиблик учун ўтказилган спорт гимнастикаси баҳсларида Оксана Чусовитина ўнинчи, Анастасия Дзюндзяк 31-ўринни эгаллади. Оғир атлетикачимиз Александр Ўринов 365 кг натижа кўрсатиб, 28 нафар спортчи ўртасида 13-ўринни эгаллади. 28 июлгача бўлган мусобақалардан олинган хабарлар асосан шулардан иборат.

Атланта паркида содир бўлган портлаш ҳодисасидан, бизга хабар беришларича, ҳамюртларимиздан ҳеч ким жабрлангани йўқ.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ҚУДРАТЛИ КУЧДИР

Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архиви ўқув залида уруш йилларида 213-ўқчи дивизиясида чиқиб турган кўптиражли газетанинг 1944 йилги тахламини кўздан кечириб ўтирган эдим. Унинг 5 декабрь сонида катта лейтенант В. Камневнинг «Дўстлик» сарлавҳали мақоласи босилган экан.

Унда ўзбекистонлик тўп командири Жавли Бойматов жасорати ва матонати ҳақида фикр юритилган экан. Мақолани синчковлик билан ўқиб чиқдим. Энди Жавли Бойматов фронтга Ўзбекистоннинг қайси вилоятидан келганлигини аниқлаш лозим эди. 37-армия артиллерия қўмондонининг Жавли Бойматовни мукофотлаш тўғрисида чиқарган буйруғида унинг ҳарбий хизматга Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидан йўл олганлиги таъкидланган экан.

«...Уруш кунларида халқлар биродарлиги барча имтиҳонларга бардош берди, — деб бошланган эди мақола. — Биродарлик туйғуси жангчиларимизни энг оғир вазиятда ҳам енгилмас қилиб қўйди. Бу туйғу уларга куч бағишлайди, қаҳрамонга айлантиради.

Қисмимиз жангчилари жанговар ишлари билан халқлар ўртасидаги биродарлик ва дўстликнинг шонли анъаналарини кўпайтирмоқдалар. Ҳа, биродарларча ҳамкорликнинг ёрқин мисоллари сонсаноқсиздир.

Катта сержант Жавли Бойматов руслар ва украинлар билан биргаликда танкка қарши тўпдан ўт очиб, гитлерчиларга қирон келтирмоқда. У катта жанговар йўлни босиб ўтди, душманга қарши олиб борилган жуда кўп шиддатли жангларда қатнашди. Бошқа жангчилар каби Жавлининг қалбида ҳам фашистларга қарши қаҳр-ғазаб жўш урмоқда. Шунга кўра у ёвуз душманнинг 7 танкини яксон қилиб сафдан чиқарди...»

* * *

Жавли Бойматов 1944 йил 20 август куни бошланган Ясси-Кишинёв ҳужум операциясининг ҳам иштирокчисидир. У ўқчиларнинг олға силжишларини қўллаб-қувватлаш давомида фашистларнинг 2 та тўпини, 5 та миномёт ва 75 га яқин солдат ҳамда офицерларини яксон қилди. Польша ҳудудидаги Гжимало қишлоғи яқинида амалга оширилган кучли артиллерия ҳужумида эса, душманнинг 5 та тўпини, 3 та миномётини, 6 та пулемёт нуқтасини йўқ қилиб, 70 га яқин солдатларини ер тишлатди.

18 апрелда Бойматов расчёти 16 танк мададига таянган ҳолда қарши ҳужумга ўтган. Фашистлар билан олти марта тўқнашган. Тўп расчётининг таркиби сафдан чиқади. Аммо командирнинг ёлғиз ўзи жангни давом эттиради. У душманнинг қарши ҳужумларини қайтариш давомида гитлерчиларнинг 3 та танкини сафдан чиқарди, 50 га яқин фашистни ер тишлатиб, қолганларини чекинишга мажбур қилади.

Шу жангда Жавли Бойматов ҳалок бўлди, аммо бирорта фашистни ҳам ўтказмади...

52-армия қўмондонининг 1945 йил 19 майдаги буйруғига биноан катта сержант Жавли Бойматов I даражали «Ватан уруши» ордени билан мукофотланди. У Германиядаги Нодерсдорф қишлоғидан 4400 метр шимолий шарқ томондаги Безимянная тепалигида дафн этилган...

М. САМАДОВ,
уруш қатнашчиси,
ёзувчи.

ФУТБОЛИМИЗ ЮРТИМИЗ НУФУЗИГА МОС БЎЛСИН

ёки иккинчи давра олдидан бешинчи миллий чемпионатнинг биринчи давра якунлари ҳақида мулоҳазалар

Қалбига энг баланд нуқтани забт этиш ишқи тушиб, тоғ сари йўл олган киши учун узоқдан пурвиқор чўққилар ҳам салобатсиз туюлади. Лекин у тоққа қанчалик шашт билан интилиб, тирмашмасин, чўққилар шунчалик узоқлашиб бораверади. У чўққилар бағрига сингиб кетган, олисдан кўз илғамас бир қатор қир ва довонларни не-не машаққатлар билан ошиб ўтиб, чўққи тагига етиб келгачгина олдиндан кўзланган марра нақадар баландлигини ҳис этади.

Агар таъбир жоиз бўлса, йил бошида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарордан сўнг клублар асосидаги профессионал фаолият тизими ўтган ва аввалги йиллардаги каби баъзи иқтисодий муаммолардан тамоман халос бўлган олий лига жамоаларининг аксарияти ҳам мавсум бошида энг баланд чўққини кўзлашган эди. Бироқ кўзланган чўққи тагига етиб келгунча бўлган ярим йўлда бошқа жамоаларнинг жиддий қаршиликларига дуч келган бир қатор командалар биринчи давра якунларидан сўнг ўз режаларини бироз бошқачароқ тузишмоқда. Чунки улар эндиликда энг баланд чўққини забт этиш учун фақат хоҳиш-истакнинг, иқтисодий бақувватликнинг ўзи камлик қилишига, бунинг учун юқори тайёргарлик, тажриба ва маҳорат зарур эканлигига амин бўлишди. Айтиш мумкинки, Тошкентнинг «Пахтакор» ва МҲСК жамоалари ҳам чемпионат бошида ўз олдига энг юқори мақсадни қўйган эди. Иккинчи жамоа ҳали ҳам ўз мақсадидан қайтгани йўқ, бунинг учун команданинг ички имкониятлари, ўйинчиларнинг маҳорати етарли. Жамоанинг биринчи давра якуни бўйича чемпионлик учун кураш йўлидаги мавқеи ҳам ёмон эмас. Лекин «Пахтакор» ҳақида бундай умид ва фикрларни билдиришимиз қийин. Буни яхши тушунган клуб аъзолари ҳам иккинчи давра олдидан мақсадларини бироз ўзгартириб, совриндорлар қаторидан жой олишни режалаштиришяпти.

«Пахтакор»нинг биринчи давра якунидаёқ чемпионлик учун курашдан чиқишига нима сабаб бўлди? Аввало, жамоада ҳар йилгидек тартиб-интизом масаласи ҳануз кун тартибида турганлигини қайд этиш керак. Интизомсизлик масаласида пахтакорчилар 42 жарима очкоси билан олий лигада «пешқадам»лик қиляпти. 15 ўйинда жамоа аъзоларига ҳакамлар томонидан 22 та огоҳлантириш кўрсатилди, тўрт марта футболчи майдондан чиқариб юборилди. Буни изоҳлаш учун жамоа мураббийларидан бири Асқар Толибжоновга мурожаат қилдик. Асқар ака бу масала билан клуб маъмурияти эндиликда жиддий шуғулланаётганлигини, интизомсиз ўйинчилар учун регламент ва контракт асосида турли маъмурий ва моддий жазо усуллари қ а т ъ и й қўлланилаётганлигини айтди. Бу нуқсонларни бартараф этиш билан бирга клуб сафини янада кучайтириш тадбирлари ҳам амалга оширилаяпти. Жумладан, иккинчи давра олдидан жамоага бир қатор ёш ўйинчилар жалб этилган. М. Алиев, С. Ходиев, Д. Назаров каби етакчи ўйинчиларнинг уй-жой муаммоси эса ҳал қилинди. Шунингдек, иккинчи давра олдидан клуб ҳомийлари «UZDUNROBITA» қўшма корхонаси билан яна биттага бойиди. Қўшма корхона вакили Дмитрий Торопцовнинг таъкидлашича, улар клубнинг алоқа тармоқлари бўйича муаммоларини ҳал этишни ўз зиммасига олади.

«Пахтакор» клуби биринчи давраги мезбон сифатидаги ўйинларини ўтказиш учун МҲСК стадионига 1,5 миллион сўм тўлаган эди. Энди клуб МҲСК стадиони билан бу шартномани яна чўзишига тўғри келади. Чунки, таъмир ишлари эндиликда ўринбосарларга кўчиб, у йил охиригача чўзилиши кутиляпти.

Мавсум бошида чемпионликка даъвогарлардан бири «Навбаҳор» жамоаси саналган эди. Наманганликлар ўз мақсадлари сари дадил одимлашаяпти. Бу йўлда уларни мухлислар фаол қўллаб-қувватлашяпти. Биринчи давра давомида «Навбаҳор» стадионига энг кўп — 214000 томошабин ташриф буюрди. Бу ўтган мавсумдаги йиллик кўрсаткичнинг ўндан икки қисмига тенг демакдир. Томошабинлар нафақат «Навбаҳор» стадионига, балки юртимизнинг барча стадионларига ҳам ҳар йилгига нисбатан кўпроқ кела бошладики, бу қувонарли ҳол, албатта. Демакки, Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиқиб, профессионал клублар асосида фаолият кўрсатиш тизимининг йўлга қўйилиши жамоаларнинг ўйин кўрсатиш савиясига таъсир қилди. Моддий манфаатдорликнинг ошиши футболчиларнинг майдонда истеъдодини тўла намойиш этишига туртки берди. Натижада эса эндиликда марказий учрашувларга кириш чипталари баҳоси 100 сўмгача бўлса-да, томошабинлар сафи орта бошлади. Биринчи даврада стадионларга жами 972 минг томошабин келди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 220 минг томошабинга кўп демакдир.

«Навбаҳор»нинг кучли ўйин кўрсатаётганлигининг яна бир сабаби жамоа сафи бу йил бир қатор терма жамоа аъзолари билан тўлдирилди. Хориж профессионал клубларидаги каби «Навбаҳор» сафида ҳозир деярли барча чизиқлар бўйича тенг кучга эга икки нафардан ўйинчи, яъни икки жамоа мавжуд. Бу футболчилар ўртасида майдонга чиқиш учун хоржидаги каби рақобат учқунлари пайдо бўлдики, футбол тараққиётига хизмат қиладиган ана шу рақобат олий лиганинг барча жамоаларида йўлга қўйилса, нур устига нур бўлиб қўшиларди. Мусабоевни Ералиевдан, Винниковни Шариповдан, Маъруфалиевни Дилмуҳамедовдан, Беляковни Башкевичдан маҳоратлари устуворлиги бўйича ажратиб кўрсатиш қийин. Жамоанинг ҳар бир ўйинчиси ҳавас қилгулик даражада юқори маҳоратга эга.

Гарчи ўтган мавсумлардагидек чемпионга хос хужумкор ўйин кўрсатолмаётган бўлса-да, «Нефтчи» жамоаси ҳақида ҳам фақат илиқ гапларни айтиш жоиз. Жамоа арқонни узун ташлаб, ўз заҳирасидан кўплаб умидли ёшларни майдонга олиб чиқаётганлиги билан республикамизнинг барча жамоаларига ўрнак бўлаяпти. Узоқни кўзлаб қилинаётган бу иш эртами-кеч ўз мевасини, албатта, беради. Зеро, Президент Ислом Каримов йил бошида Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлисда юртимиз футболи Ватанимиз нуфузига мос бўлсин, деган ғоя ўртага ташлар экан, аввало эътиборни футбол мактабларидаги аҳволга қаратиш ва уларда тарбияланган ёш истеъдодлар камолоти учун кенг шарт-шароитлар яратиш кераклигини таъкидлаган эди. «Нефтчи» клуби эшиклари бундай ёшлар учун кенг очиб қўйилаяптики, бундан олий лиганинг бошқа жамоалари ҳам ўрнак олсалар ёмон бўлмасди. Зеро, футболимиз келажагини бугунги ёш истеъдодлар белгилайди. Уларнинг айни кунда юқори малакали футболчилар билан бир қаторда тўп суриши эса фақат футболимиз равнақига хизмат қилади.

МҲСК сафи айни дамда истеъдодли ўйинчиларга бой. Жамоанинг биринчи давра сўнггидаги нотекис ўйинларини руҳий жиҳатдан тайёргарликнинг меъёрга етказилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Жамоа иккинчи даврада, албатта, ўзини кўрсатади. Бу уч жамоани мавсум охиригача «Нурафшон» клуби таъқиб этиб бориши кутиляпти.

Иккинчи эшолонни ташкил этган «Дўстлик», «Трактор», «Янгиер», «Наврўз», «Атласчи» ва «Сўғдиёна» жамоалари орасидан мутахассислар, айниқса, «Трактор» командасининг ўйини сифат жиҳатидан ижобий томонга ўзгарганини эътироф этишяпти. Зеро, «Трактор» барча мавсумда энг оз тўп киритган жамоалар сафига киларди. Бу сафар айнан шу бобда тракторчилар яхши натижалар кўрсатишяпти. Ўтган йили 30 учрашувда тракторчилар рақиблари дарвозасини 33 марта ишғол этган бўлса, бу йил 15 учрашувдаёқ қарийб шунча (27) та тўп киритишди.

Аутсайдерлар ҳақида гап кетганда янги вакиллар — «Динамо» (У) ва «Косонсой» олий лигачиларга қўшилолмаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тўғри, ҳар икки жамоада ҳам сўнгги учрашувларда бироз жонланиш сезилди. Бироқ бу интилиш жуда кеч рўёбга чиқяпти. АСК ва «Динамо» (С) жамоаларининг аутсайдерлар сафидан ўрин олиши эса кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди.

Умуман олганда биринчи давра бу йил ўйинлар савияси бироз ошганлигини кўрсатди.

Иккинчи давра баҳслари янада муросасиз кечиши ва у кескин, қизиқарли ўйинларга бой бўлиши кутиляпти. Шунингдек, бу даврда «Нефтчи» Осиё чемпионлари кубоги, «Навбаҳор» Осиё мамлакатлари кубок эгалари кубоги учун баҳс олиб боради. Терма жамоамизнинг биринчи марта Осиё чемпионати финал ўйинларида қатнашишини эса мухлисларимиз орзиқиб кутишмоқда. Ўйлаймизки, бешинчи футбол мавсуми терма жамоамизнинг ажойиб ўйинлари ва бу ғалабалардан масрур бўлган мухлислар завқининг қизғин ноталарида якунланади.

Р. ЭРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКОРДЛАР, НАТИЖАЛАР, ОЧКОЛАР...

120 учрашувда дарвозалар 363 марта ишғол этилди. Ўртача кўрсаткич ҳар бир ўйинда 3,02 голга тенг. Майдон эгалари 74, меҳмонлар 27 учрашувда ғалаба қозонишди. 32 учрашув йирик ҳисобда якунланди. Қизиғи шундаки, иккинчи ўринни эгаллаб турган «Нефтчи» жамоаси бирор учрашувда рақибини йирик ҳисобда мағлуб этолмади. Ўзига ишонч бобида эса МҲСК юксак ирода намойиш этди. Ҳарбийлар уч марта аввалига мағлубиятга учрай туриб, учрашувни ғалаба билан якунлади.

Тўпурарлар баҳсида Ойбек Усмонхўжаев (МҲСК) ва Жафар Ирисметов («Дўстлик») ўнтадан тўп киритган ҳолда пешқадамлик қилишяпти. 6 нафар футболчи ҳисобида эса 8 тадан тўп бор.

"ЯРОСЛАВНА" ФИРМАСИ
сотиш учун таклиф қилади:
- GOODYEAR 175x70 R13, 185x70 R13, шиналари: 185x65 R14, 205x70 R14;
- 6 СТ 55, 6 СТ 60 аккумуляторлари;
- кенг турдаги автомобиль мойлари ва суюқликлари;
- енгил автомобиллар учун аксессуарлар.
Ҳақини исталган шаклда тўлашингиз мумкин.
Манзил: Тошкент ш., Чехов кўч., 18.
Тел.: 54-99-42. Факс: 54-63-88.
СИЗНИНГ АВТОМАШИНАНГИЗ ЯХШИ ВА СОЗ БЎЛИШИГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ

"КАМАЗ" ТОШКЕНТ АВТОМАРКАЗИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ ВА ТАВСИЯ ЭТАДИ:
* қийин йўлларда ҳам юра оладиган "КАЗ-4540" дизель автомобиль-самосваллар;
* "КамАЗ" автомобилларининг эҳтиёт қисмлари;
* "КамАЗ" автомобиллари ва двигателларига сервис хизмати;
* 6 СТ 182 аккумуляторлари (АҚШ);
* "Бристон" (Япония) фирмасининг 260x508, 280x508 автошиналари.
Манзилимиз: Тошкент ш., Қорақамиш кўчаси, 6.
Телефон: 24-98-22.

РЕСПУБЛИКА, ВИЛОЯТ, ТУМАН ГАЗЕТАЛАРИ МУАССИСЛАРИ, ТАҲРИРИЯТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви республика, вилоят, туман ҳамда кўп нусхали газеталар учун
ГАЗЕТА ҚОҒОЗИ
сотади.
Қоғознинг нархи: бир тоннаси 60 минг сўм. Йилнинг III-IV чорагида келтириладиган навбатдаги туркум учун жамғарма билан шартнома тузган ташкилотлар имтиёзли нархларда қоғоз олиш ҳуқуқига эга бўладилар.
Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тел: 44-37-86, 44-37-87.
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ЖАМҒАРМА БОШҚАРУВИ.

ЭЪЛОН
Вексель эгалари эътиборига!
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси «Пахта-банки», «Оролсувқурилиш» бирлашмаси векселларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва сўндириш муддати 1996 йил 1 августга қадар узайтирилиши муносабати билан ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банки» бошқаруви барча вексель эгаларидан векселларни қайта рўйхатдан ўтказилиши ва сўндирилишини кўрсатилган муддатга амалга оширишларини сўрайди. Шу йилнинг 1 августига қадар қайта рўйхатдан ўтказилмаган ва сўндирилмаган векселлар юридик кучини йўқотади ҳамда ҳисоб-китобларда қабул қилинмайди.
ИАТ «Пахта-банки» бошқаруви.

"ИТТИФОҚ"
ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМОА КОРХОНАСИ
702130, Тошкент вилояти, Қибрай ш., Навоий кўчаси, 22.
Телефонлар: /371295/ 6-2515, 6-2410
турли модификациядаги
ЭЛЕКТР ТАҚСИМЛАШ ШИТЛАРИНИ
шунингдек,
электр монтаж ишлари учун ашёлар ва бутловчи буюмларни сотади.
Сизнинг сўровингизга мувофиқ "Электр монтаж қурилмалари ва буюмлари каталоги" ҳамда хорижий прайс-варақа жўнатамиз.
Маълумот олиш учун Тошкентдаги ушбу телефон орқали мурожаат қилинг:
(3712) 68-2406, 68-2407.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.
БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев. Навбатчи — Ў. Ҳайдаволов.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0319 Буюртма Г. — 0379 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.00 123456